

ЖАНУБИЙ ХИТОЙ ДЕНГИЗИДАГИ ХУДУДИЙ МУАММОЛАРНИ ЕЧИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336598>

Казакбаев Хикматилла Исматуллаевич
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Хитой тарихи, маданияти, сиёсати ва
иқтисодиёти кафедраси мудири
xikmatilla_kazakbayev@tsuos.uz

Аннотация. Ушбу мақолада Жанубий Хитой денгизидagi баҳсли оролар атрофида юз бераётган сўнги тенденцияларга бағишланган. Мақолада сўнги йилларда Жанубий Хитой денгизи хавзасида кечаётган ХХР-АҚШ рақобати, шунингдек ҳудудий муаммоларни ечиш истиқболларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Жанубий Хитой денгизи, “Савдо урушлари”, ХХР, АҚШ, АСЕАН, Натуна ороли, Жануби-Шарқий Осиё.

PROSPECTS FOR SOLVING TERRITORIAL PROBLEMS IN THE SOUTH CHINA SEA

Kazakbayev Khikmatilla Ismatullayevich
Head of department of China's history,
Culture, politics and economics
Tashkent state university of oriental studies
xikmatilla_kazakbayev@tsuos.uz

Annotation. This article focuses on the latest trends around the disputed islands in the South China Sea. The article is devoted to the rivalry between China and the United States in the South China Sea basin in recent years, as well as the prospects for solving territorial problems.

Keywords: South China Sea, "Trade Wars", PRC, USA, ASEAN, Natuna Island, Southeast Asia.

Ҳозирги кунда Жанубий Хитой денгизидagi баҳсли ҳудудлар учун низолар масштаби кенгайди ва халқаро ҳудудий низолардан бирига айланди. Жанубий Хитой денгизидagi вазият жуда кескин ва исталган курулли тўқнашувга олиб келиши мумкин. Бу ерда Хитой Тайпейи (Тайван), Япония, Ҳиндистон, АҚШ ва Австралия манфаатлари ҳам мавжуд¹. Жанубий Хитой денгизи эндиликда „Янги Ипак йўли“ деб ҳам атала бошланди. Бу минтақани бошқарадиган мамлакат ўз-ўзидан бошқа Осиё мамлакатларининг иқтисодларини назорат қилиш имконига эга бўлади.

Жанубий Хитой денгизи Хитойнинг келажакда буюк давлатга айланиши учун ўта муҳим минтақа ҳисобланади. Минтақада Хитой ҳукмронликни қўлга кирица, АҚШ учун катта таҳдид пайдо бўлади. Чунки Жанубий Хитой денгизи географик жойлашувига кўра Тинч океанида АҚШ блокадасига қарши курашда ҳарбий-стратегик муҳим аҳамиятга эга. Сувости ядро кучлари базаси учун ҳам қулай региондир.

¹ Nanhai chongtu, shi shenme shihou kaishi jihua de? (南海冲突, 是什么时候开始激化的? - Жанубий Хитой денгизидagi зиддият қачон қучайди?) // <https://view.news.qq.com/original/legacyintouch/d498.html>

Жанубий Хитой денгизда АҚШ ва ХХР флотлари ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар эҳтимоли туфайли вазият қалтис ҳисобланади. Хитой ўзининг қуролли кучларини модернизация қилиш учун ривожлантириш учун катта маблағ сарфлади, аммо Хитой денгиз кучларининг салоҳияти АҚШ салоҳиятига етмайди. Америка Қўшма Штатлари денгиз флотини кенгайтириш ва технологик модернизациялаш учун мунтазам равишда чоралар кўрмоқда.

Америка Қўшма Штатлари ўз ҳарбий флотини “Виржиния” иккита сувости атом кемаси, иккита “Арли Берк” қирувчи самолёт, “Жералд Форд” ҳаво кемалари, уч қирғоқ кемаси ва бошқалар билан тўлдирди. Бугунги кунга келиб, АҚШ денгиз кучлари “Огаё” сув ости кемаларига эга. Уларнинг сони ҳам кундан кунга ошиб бормоқда. Бундан ташқари, АҚШ “Колумбия” сувости атом кемаларини қуришни режалаштирмоқда, улар ўн миллиардлаб долларлар эвазига қурилади. Янги сув ости кемалари қурилиши Пентагоннинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу йўналишда фаол иш олиб борилмоқда².

АҚШ Хитойнинг иқтисодий ўсишини тўхтатиш учун уни блокада қилишга уринмоқда. 2019 йил 10 майдан расмий кучга кирган АҚШ Президенти қарорига кўра, Хитой импорти учун бож тўловлари 10 фоиздан 25 фоизга оширилди (қарийб \$ 200 миллиард миқдоридаги товарлар учун)³.

АҚШ Президенти Доналд Трамп Хитойдан импорт қилинаётган товарларнинг божларини кейинчалик йилига 300 миллиард АҚШ долларига тенг товарлар учун жорий қилишни буюрди. 2021 йил январда томонлар бу борада келишувга эришишган бўлсада, “Савдо урушлари” ҳали ўз ниҳоясига етгани йўқ.

Сўнгги йилларда Америка Қўшма Штатлари Хитойни Жанубий Хитой денгизини ҳарбийлаштиришда айбламоқда ва Хитойга қарши курашиш учун минтақадаги иттифокчиларидан фойдаланишга уринди. Аммо Хитой сунъий ороллар қуришда давом этмоқда. Агар сунъий ороллар Хитойнинг сўнгги замонавий самолётлари билан жиҳозланса, сунъий орол ҳақиқатан ҳам кучли ҳарбий базага айланади. Хитойнинг Жанубий Хитой денгизи ҳудудидаги сунъий оролларни қуриш 2002-йилда АСЕАН давлатлари билан имзолаган “Томонларнинг хатти-ҳаракати тўғрисида Декларация”ни бузмоқда.

Бу ороллар Хитойга тинчлик даврида уларнинг ҳарбий иштирокини ва таъсирини кенгайтириш имкониятини беради, аммо уруш пайтида улар ҳимоясиз. Шунинг учун кенг қўламли миллий кучни такомиллаштириш билан Хитой денгиз кучлари тобора ривожланиб бормоқда. Жанубий Хитой денгизи атрофидаги сиёсий тўқнашувлар қайсидир қудратли кучнинг кимлигини аниқлайди. Хитой ҳали Америка Қўшма Штатларини очик танқид қилиш учун этарли даражада кучли эмас. Лекин бу фақат вақтинчалик.

Пандемия даврида АҚШ Жанубий Хитой денгизига ўз ҳарбийларини киргиза бошлади. АҚШнинг Осиё қитъаси давлатлари билан олиб борадиган савдо-сотик йўллари шу денгиздан ўтади. Хитой Жанубий Хитой денгиздаги гегемонлиги орқали АҚШга қарши яна бир ричагга эга бўлади. Хитой хориж инвесторларининг минтақага инвестиция киритмаслиги учун катта босим ўтказмоқда⁴.

Хитойнинг минтақадаги босимдан фойдаланган АҚШ ўз ҳарбийларини денгизга киргизмоқда ва Филиппин, Индонезия, Вьетнам каби давлатлар билан яқинлашиб олишга қулай шароит бўлмоқда. АҚШ Хитойга қарши курашишда уларнинг ягона ҳалоскори эканлигига уқтирмоқда.

² United States Submarine Capabilities // <https://www.nti.org/analysis/articles/united-states-submarine-capabilities/>

³ Te lang pu cheng ben zhou wu dui hua jia zheng guan (特朗普称本周五对华加征关税 - Трамп жума куни Хитойга қўшимча тарифлар жорий этишини айтди) // <http://www.nbd.com.cn/articles/2019-05-06/1328328.html>

⁴ Штормовое предупреждение // <https://www.kommersant.ru/doc/2009573>

Сўнги йилларда Индонезия ҳам бу низога қўшилди. Хитой Индонезиянинг ташқи сиёсатидаги стратегик ҳамкори ҳисоблансада, Хитойнинг Жанубий Хитой денгизидаги ҳаракатлари Индонезия миллий манфаатлари ва давлат хавфсизлигига таҳдид қилади. Индонезия Ташқи ишлар вазири Ретно Масуди сўнги йилларда Хитой кемалари Индонезиянинг суверенитетига дахл қилмоқда деб бир неча бор таъкидлаб ўтиши ҳам бунга яққол бўла олади⁵.

2015 йилдан бошлаб Индонезия мунтазам патрул ишларини олиб бормоқда. 2016-йил 19-июнда Индонезия ҳарбий денгиз кучлари Натуна ороли иқтисодий зонасига кириб келган ва ноқонуний балиқчилик билан шуғулланаётган хитойликларни ҳибсга олди.⁶ Шу пайтгача Индонезия Хитой балиқ тутувчи кемаларини ҳибсга олмаган эди. Лекин Хитой ва Индонезия ўртасида бу ҳолат “ўзаро тушунмовчилик” деб баҳоланди ва вазият кескинлашиб кетмади.

Натуна, шубҳасиз, Индонезия суверенитети остидадир. Айни пайтда, бу оролга бошқа давлатлар даъво қилмайди. Бироқ Хитойнинг машҳур “тўққиз нуқта линияси” Натуна оролидаги иқтисодий зонани ҳам қамраб олади. Индонезия “тўққиз нуқтали линия”ни тан олмайди ва уни халқаро ҳуқуққа ҳилоф, деб ҳисоблайди⁷. 2017-йил июлда эса Индонезия парламенти рамзий маънода қарор қабул қилди. Унга кўра, архипелагдан шимоли-шарққа қараб кетувчи ҳавзанинг номи “Натунанинг Шимолий денгизи” деб ўзгартирилди⁸.

Индонезия баҳсли ҳудудлар борасида Хитой ва бошқа давлатлар ўртасида воситачилик ролини ўйнаши мумкин. 2015 йилда ХХР Раиси Си Цзинпин “XXI аср Денгиз Ипак йўли”ни илгари сурган лойиҳа Индонезиянинг “жаҳон денгиз ўқи” концепцияси билан ўхшаш эди⁹.

Индонезия АСЕАН давлатлари ўртасида Жанубий Хитой денгизи юрисдикцияси ва денгиз ҳуқуқи борасидаги келишмовчиликларга барҳам беришга уринмоқда ва минтақада хавфсизлик, барқарорликни таъминлашда АСЕАНнинг ролини таъкидламоқда¹⁰.

Филиппин 2013-йил январда Гаага шаҳри Третей судининг Доимий палатасига Хитойнинг Жанубий Хитой денгизидаги ҳаракатлари халқаро ҳуқуқнинг бузилиши даъвоси билан мурожаат қилиш орқали муаммони халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал қилиш ниятида эканлигини билдиради.

Ўз навбатида Халқаро Суд 2016 йил июлда Филиппин фойдасига қарор қабул қилиши муаммони БМТнинг Денгиз ҳуқуқи бўйича конвенцияси асосида ҳал этишни талаб қилади. Бу позицияни минтақадаги Филиппин ва Индонезия давлатлари ҳам иташмоқда. Халқаро Суд 2016 йилги қарори Спратли архипелагини “орол”лар эмас ва шу сабабдан архипелагда иқтисодий зона ҳам мавжуд эмас деб ҳисоблашиши ХХРнинг муаммони ҳарбий йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилишига сабаб бўлмоқда.

Хитой билан урушда ғолиб бўлишга кўзи етмаётган Филиппин эндиликда Хитой билан очикдан очик тўқнашувлардан воз кечди ва музокара йўлига ўтди. 1951 йилдаёқ АҚШ ва

⁵ Корабль ВМС Индонезии открыл предупредительный огонь при задержании судна КНР // <https://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/3325728>

⁶ Китай выразил резкий протест в связи с открытием ВМС Индонезии огня по китайским рыболовным судам // <http://russian.people.com.cn/n3/2016/0620/c31521-9074475.html>

⁷ Индонезия стала следующей жертвой претензий Пекина в Южно-Китайском море //

<https://obzor.press/press/11428-indoneziya-stala-sleduyushhej-zhertvoj-pretenzij-pekina-v-yuzhno-kitajskom-more>

⁸ Marboen A. Anggota DPR desak China hormati Laut Natuna Utara // <http://www.antaranews.com/berita/641745/anggota-dpr-desak-china-hormati-laut-natunautara>

⁹ Ефимова Л.М. Индонезийская «Морская ось мира» и китайский «Морской шелковый путь XXI века» // Вестник МГИМО. – 2015. № 6 (45). – С.198

¹⁰ Петрова О.Л. Инцидент в районе Натуна в свете индонезийско-китайских отношений // Юго-Восточная Азия: актуальные проблемы развития. – 2016. №31. – С.133

Филиппин ўртасида Ўзаро Мудофаа Битими тузилган эди. Унга кўра, Филиппин ёки АҚШга учинчи давлат томонидан таҳдид вужудга келса, иккинчи томон ёрдамга келиши керак¹¹.

2019-йил 4 март куни АҚШ ҳаво кучларининг ядро қуролларини ташувчи В-52 Stratofortress номли самолёти Филиппин ва Хитой ўртасидаги баҳсли ҳудуд Спратли архипелаги яқинидан учиб ўтди ва Филиппин бунга жавобан, 1951-йилги Битимни қайта кўриб чиқишни талаб қилди¹².

Филиппин Мудофаа вазири Делфин Лоренцан таъкидлашича, 1992-йилда Филиппинда АҚШ ҳарбий базалари ёпилиши биланок бу битимни қайта кўриб чиқиш керак эди. Агар ҳозир АҚШ ҳарбий кучлари Жанубий Хитой денгизида Хитой билан уруш бошласа, Филиппин ўз ўзидан бу урушга қўшилиб кетишга тўғри келади. Аммо Филиппин ўзидан кучли бўлган Хитой билан урушиш ниятида эмас. Филиппин аҳолисининг 20 фоизини хитойликлар ташкил этади ва Хитой Филиппиннинг асосий савдо шеригидир.

1950 йиллардан бери АҚШнинг ишончли ҳамкори бўлиб келган Филиппин Президенти Р.Дутерте 2016-йил сайланиши билан АҚШдан ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан озод эканлигини эълон қилган эди¹³.

2016-йилдан бошлаб Хитой Филиппиннинг энг йирик савдо шеригига ва 2018-йилдан энг йирик инвесторига айланди¹⁴. Президент Дутертеннинг Вашингтонга қарши очикдан очик нутқлари аҳамиятсиз, Филиппин-АҚШ ўртасидаги альянс ҳеч қачон заифлашмайди. Шунинг учун Филиппин Хитойга нисбатан сиёсатини пухта ўйлаб кўриши керак. Чунки Филиппин иқтисодий жиҳатдан Хитой билан, миллий хавфсизлик юзасидан АҚШ билан чамбарчас боғлиқ. Филиппин икки буюк давлат ўртасида мувозанатни ушлашга ҳаракат қилмоқда. Хитой кемалари 2019-йил апрел ойида Титу (Пагаса) ороли атрофида сузиб юриши Филиппиннинг кескин норозиликка сабаб бўлди. Бироқ 25-апрелда „Бир макон, бир йўл“ Форум доирасида Президент Дутертеннинг ХХР Раиси Си Цзинпин билан учрашувида бу норозилик умуман билдирилмади.

2019 йил 2-8 май кунлари Жанубий Хитой денгизида кўп томонлама ҳарбий ҳаракатларнинг намоиши бўлиб ўтди. АҚШ Денгиз ҳарбий кучлари кемалари, Япония Миллий мудофаа Ҳарбий кучлари кемалари, Филиппин Денгиз ҳарбий кучлари кемалари, Ҳиндистон Денгиз ҳарбий кучлари кемалари биринчи марта 4 та йўналишда сузиб ўтдилар ва ўзаро ҳамкорлик кучини намоиш этдилар.

Жанубий Хитой денгизининг тақдирини ҳал қилишда АҚШ фаол иштирок этмоқда. 2010-йилгача Америка Қўшма Штатлари Жанубий Хитой денгизи ҳудудий баҳсларида фаоллик кўрсатмаган ва низо иштирокчиларини низоларни тинч йўл билан ҳал этишга ундаган эди. Энг ажабланишли, АҚШнинг ўзи низоларнинг халқаро ҳуқуқ манбаи бўлган Денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ Конвенциясини ратификация қилмаган¹⁵. Бу эса унинг очик денгизда эркин сузишига, ҳатто, бошқа давлатларнинг ҳудудий денгизига киришига ҳам имкон беради.

АҚШнинг собиқ Президенти Барак Обама Хитойга қарши янги сиёсат топишга уриниб кўрди ва унга G-2 (АҚШ ва ХХР) форматини тақдим этди. Бу икки буюк давлатнинг дунё тақдири учун умумий жавобгар бўлишини англатар эди¹⁶. Бироқ Хитой бу таклифни дарҳол рад этди. Хитойга қўшни давлатларнинг аксарияти Хитой ҳарбий қудрати ўсиб

¹¹ Mutual defense treaty between RP & USA // <https://www.chanrobles.com/mutualdefensetreatyhtm#.YhHmx ThByUk>

¹² Пролет В-52 заставил Филиппины усомниться в договоре с США // <https://military.pravda.ru/1409063-filippin/>

¹³ The U.S.-Philippines Defense Alliance // <https://www.cfr.org/backgrounders/us-philippines-defense-alliance>

¹⁴ Turnaround in Philippines-China Relations // <https://www.chinausfocus.com/foreign-policy/turnaround-in-philippines-china-relations>

¹⁵ Почему США не подписывают Конвенцию по морскому праву 1982? // <https://humanlaw.ru/easyblog/zapis/pochemu-ssha-ne-podpisuyayut-konventsuyu-po-morskomu-pravu-1982.html>

¹⁶中美G2共治世界？小心美国挖的坑！ // <http://mil.eastday.com/a/160503165457217.html?qid=www.eastday>

бораётганидан ташвишга тушиб қолган. Хитой Халқ Озодлик Армиясини (ХХОА) модернизация қилиш тобора жадаллашмоқда. Америка Қўшма Штатлар Миллий Мудофаа Университети профессори Филип Саундерс фикрига кўра, Хитойнинг ҳақиқий ҳарбий бюджети расмий бюджетдан 1,5 баробар юқори ва 159,6 миллиард долларни ташкил этади¹⁷.

2030 йилга келиб, ХХР Мудофаа бюджети 350 миллиард АҚШ доллариға етиши ва асосий денгиз ҳарбий кучлари Тинч океани ғарби ва Ҳинд океанида жойлашиши башорат қилинмоқда. Бу эса Хитойни кучли ҳарбий давлатга айланиши, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашидан далолат беради. 2017-йил январда Хитойда эълон қилинган “Осиё-Тинч океани минтақасида хавфсизлик масаласида ҳамкорлик” деб номланувчи “Оқ китоб”да келтириб ўтилган Хитойнинг минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда катта масулиятни ўз бўйига олиши, шунингдек, ўз халқаро обрўси ва миллий хавфсизлик ва ривожланиш борасида миллий манфаатларидан келиб чиқиб ҳарбий кучларга таяниши ойдинлашиб бормоқда¹⁸.

ХХОА техник таъминот даражаси АҚШ армиясидан ўнлаб йиллар орқада қолсада, Жануби-Шарқий Осиёдаги давлатлар учун Хитой катта хавфга айланди. Гарчи Жануби-Шарқий Осиёдаги мамлакатлар қуролланиш пойғасини бошлашган бўлишсада, жиддий ҳарбий можаро юз берган тақдирда улар фақат АҚШнинг ҳимоясига таяниши мумкин. Америка Қўшма Штатлари ташқи сиёсатнинг асосий йўналиши бундан буён Яқин Шарқ эмас, балки Осиё-Тинч океани минтақаси бўлиши эҳтимоли ошиб боради. Бугунги кунда АҚШ Филиппин, Таиланд билан иттифоқчилик муносабатларини кучайтириш ва Сингапур, Вьетнам, Индонезия, Малайзия ва бошқа давлатлар билан ҳарбий ҳамкорликни кенгайтириш устида иш олиб бормоқда¹⁹.

Ҳозирги кунда Жанубий Хитой денгизидаги низоларга Буюк Британия ҳам аралашмоқда. 2016 йил октябрда “Глобал Британия” концепцияси илгари сурилди ва Буюк Британия дунёда энг қудратли эркин иқтисодиётга эга давлатга айланиш ва жаҳон сиёсатида ҳал қилувчи акторга айланиш мақсад қилиб олинди. Шу мақсадда Буюк Британия дунёнинг турли бурчакларида давлатлар билан алоқаларини яхшилашга уринмоқда²⁰.

2019 йил феврал ойида Буюк Британия Мудофаа вазири Гавин Виллиамсон Жанубий Хитой денгизига “Қиролича Елизавета” деб номланувчи самалётлар қўниши ва учиши учун ҳарбий кема юборишини эълон қилди.²¹ Бу эса АҚШ томонидан қўллаб-қувватланди. Буюк Британия Жануби-Шарқий Осиё давлатларига қўллаб инвестиция киритган. Жанубий Хитой денгизи орқали эса ҳар йили Буюк Британиянинг 12 % (деярли £92 миллиард фунт стерлинг) савдо айирбошлаши амалга оширилади. Агар Жанубий Хитой денгизида Хитой гегемон давлатга айланса, шубҳасиз Буюк Британия учун ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан янги таҳдид вужудга келади. Бунинг устига Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ривожланиб бормоқда ва инглизлар учун янги бозор очиш учун қулай шароит мавжуд. Шу сабабдан инглизлар ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари зарур. Ҳозирги кунда Буюк

¹⁷ Штормовое предупреждение // <https://www.kommersant.ru/doc/2009573>

¹⁸ Игнатъев С.В. Юго-восточная азия в проекте КНР «Морской Шелковый Путь XXI века»: аспекты безопасности. // Юго-восточная Азия: актуальные проблемы развития. – 2018. – №2 (39). – С.42.

¹⁹ National Security Strategy of the United States of America // <https://scholarcommons.usf.edu/cgi/viewcontent.cgi?referer=https://www.google.com/&httpsredir=1&article=1655&context=jss>

²⁰ The Integrated Review's concept of Global Britain – is it realistic? // <https://www.kcl.ac.uk/the-integrated-reviews-concept-of-global-britain-is-it-realistic>

²¹ Великобритания направит в Южно-Китайское море новый авианосец с истребителями F-35 // <https://www.vestifinance.ru/articles/114560>

Британиянинг Жанубий Хитой денгизи хавзасида иккита ҳарбий базаси мавжуд. Булар Брунейнинг Сериа, Сингапурнинг Сембаванг ҳудудида жойлашган.²²

Бу ҳарбий базаларнинг вазифаси Хитойнинг денгиз хавзасидаги экспансиясига қарши кураш бўлиб, жуда катта молиявий маблағни талаб этади. Хитой Буюк Британияни ўзига муносиб рақиб деб кўрмайди. Чунки у глобал микёсда фақат АҚШ билан рақобат қилмоқда.

Денгиз устидан назоратни кучайтириш учун Япония ва Корея Республикаси ҳам ҳаракат қилмоқда. Жанубий Хитой денгизидаги келишмовчиликларни Хитой фойдасига ҳал қилиш нафақат Спратли ва Парасел ороллари устидан назорат ўрнатишни, балки Тайван масаласини ҳал қилишнинг калитига айланиши шубҳасиз. Шунингдек, Шарқий Хитой денгизида Япония ва Корея Республикаси билан баҳсли ҳудудлар ҳам ўз-ўзидан Хитой фойдасига ҳал бўлиши мумкин. Хитойнинг Жанубий Хитой денгизида тўлақонли гегемон бўлиши Япония ва Корея Республикасининг стратегик ресурслар билан таъминланишини чеклашга қодир бўлади.

Шу сабаб ҳозирда Япония Жанубий Хитой денгизида иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий фаолиятини кучайтирмоқда. Япония Бош вазири Фумио Кисида мамлакатнинг йирик инвесторларини АСЕАНга аъзо давлатларга сармоя киритишга ундамоқда. Ҳозирда Таиланд, Индонезия, Филиппин, Вьетнам, Мянма Япониянинг иқтисодий ҳамкорларидир. Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Япония учун Хитойга қарши курашишда муҳим куруллардир. Мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Япония АСЕАН аъзо давлатларига молиявий ёрдам кўрсатишга тайёр.

Бизга маълумки, бундан олдин 2002 йилда Хитой ва АСЕАН давлатлари ўртасида “Жанубий Хитой денгизидаги ҳаракатни юритиш тўғрисида Декларация” имзолаган эди. 2011 йилнинг ёзида 2002-йилдаги Декларацияни ҳаётга татбиқ этиш учун асосий тамойиллар ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этишдаги асосий тамойиллар қабул қилинган эди. Сўнгги ўн йил ичида АСЕАН минтақавий ташкилоти ва Хитой ўртасида Жанубий Хитой денгизида Ахлоқ кодексини муҳокама қилиш 2021-йилда яқунланиши режалаштирилган эди аммо пандемия сабабли бу масала ҳал этилмади. Бу кодекс Жанубий Хитой денгизида баҳсли ҳудудларга барҳам беришга, АСЕАН аъзо давлатлари ва Хитой ўртасида ишонч ва ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, балиқчилик соҳасида ҳамкорлик қилишга хизмат қилиши лозим.

Жанубий Хитой денгизида баҳсли ҳудудлар туфайли геологик тадқиқотлар олиб бориш ва мавжуд ресурсларнинг захирасини аниқ баҳолаш имкони кам. Шунинг учун Хитой Фанлар Академияси 2019 йил март ойида Россия мутахассисларини Жанубий Хитой денгизида 2019 йил июл ойига режалаштирилган газ гидратларини ўрганиш учун экспедицияда иштирок этишга таклиф қилди²³. Бундан олдин 2017 йил май ойида Хитой ҳукумати Жанубий Хитой денгизи бўйидаги ёнувчан муз кон тажрибасини муваффақиятли амалга оширганини маълум қилган эди.

Бугунги кунда муаммони ҳал этиш бўйича хавфсизлик масалалари бўйича АСЕАН минтақавий форуми, АСЕАН давлатлари мудофаа вазирлари йиғилиши, АСЕАН+8 ва Шарқий Осиё саммити каби платформаларда муҳокама марказида турибди аммо бу учрашувлар етарли даражада фойда бермаяпти. Буни қуйидаги сабаблари мавжуд:

Биринчидан, АСЕАН+8 ва Шарқий Осиё саммитида бу масалада мулоқот ўтказилган бўлсада томонлар “Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик” принципига амал қилган

²² The South China Sea: Why It Matters To “Global Britain” // <https://henryjacksonsociety.org/publications/the-south-china-sea-why-it-matters-to-global-britain/>

²³ Eluosi jiang zhu zhongguo yinling xia yici quanqiu nengyuan geming (俄罗斯将助中国引领下一次全球能源革命-Россия Хитойга навбатдаги глобал энергетика инқилобини бошқаришда ёрдам беради) // <https://military.china.com/topic/tuijian/11166766/20190328/35529543.html>

холда ҳудудий муаммоларни етарли даражада муҳокама қилишмади. Бунинг сабабларидан бири минтақа давлатларининг муаммо бўйича позицияларини турлича эканлигида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчидан, хавфсизлик масалалари бўйича АСЕАН минтақавий форумларида томонлар Жанубий Хитой денгизидаги кемалар қатнови, эркин ҳаво ҳудуди, денгиз акваториясидаги жиноятчиликка қарши кураш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда биргаликда ҳамкорлик қилиш бўйичагина чекланиб қолишмоқда.

Учинчидан, АҚШ ҳукумати Жанубий Хитой денгизидаги кемаларни эркин қатнови тарафдори бўлганлиги, минтақа давлатлари билан муносабатларда ХХР билан келишмасликни ёқлаётгани ҳам муаммони ҳал этилишига тўсқинлик қилмоқда.

Тўртинчидан, Хитойнинг “Бир камар, бир йўл” ва “Денгиз Ипак йўли” каби лойиҳалари минтақа давлатларини ХХРга иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан боғлаб қўймоқда бу эса ўз навбатида минтақа давлатлари ўртасида муаммони ҳал этиш бўйича яқдиллик пайдо бўлишига тўсқинлик қилмоқда.

Бешинчидан, минтақа давлатларида аҳоли сонининг ўсиб бориши, энергетикага бўлган талабнинг ошиб бориши, Жанубий Хитой денгизи акваторияси эса денгиз маҳсулотлари, энергоресурсларга бойлиги туфайли ўз навбатида давлатларнинг муаммони ҳал қилишда ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашишларига олиб келмоқда.

Олтинчидан, Осиё Тинч океани минтақаси АҚШ учун ҳибрий-стратегик нуқтайи назаридан энг муҳим минтақа ҳисобланади, шу сабабли Вьетнам, Филиппин, Малайзия каби давлатлар билан ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш, минтақа давлатларида ҳарбий-денгиз базаларини сақлаб туриши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида муаммони ҳал этишда АҚШнинг иштирокини ҳам тақазо этади, бу эса ХХР манфаатларига мос келмайди.

Умуман олганда бугунги кунда ҳудудий муаммоларни ҳал қилишнинг бир қанча йўллари мавжуд. Жумладан, Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ўртасида Жанубий Хитой денгизида ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ҳудуддаги ресурслардан унумли фойдаланиш мақсадида “Қўшма Комиссия” ташкил этилиши ва унга қуйидаги ваколатларни берилиши лозим:

1) Жанубий Хитой денгизидаги хатти ҳаракатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави, 1982-йилдаги Денгиз ҳукуки тўғрисидаги БМТ конвенцияси ва бошқа халқаро ҳукук нормаларига амал қилинишини назорат қилиш;

2) Жанубий Хитой денгизи акваториясида кемалар қатновини (танкерлар) ва ҳаво ҳудуди хавфсизлигини таъминлаш;

3) Аҳоли яшамайдиган ҳудудларга инсонларни кўчиб келишини назорат қилиш;

4) Уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши курашиш мақсадиди ҳарбий патрул ташкил этиш;

5) Жанубий Хитой денгизи акваториясида ҳарбий объектларни қурилишини олдини олиш;

6) Жанубий Хитой денгизи акваториясида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий тўқнашувларни олдини олиш;

7) Ҳудудда бирор давлат томонидан ўтказиладиган ҳарбий машғулотлар ҳақида томонларни ҳабардор қилиш;

8) Ҳудудий низоларни тинч йўл билан ҳал этишгача манфаатдор томонлар ҳамкорлик йўллари излаш, ўртада ишонч ва ишончни мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш бўйича ишларни ташкил этиш.

“Қўшма Комиссия” ташкил этилиши ўз навбатида қуролли тўқнашувларни олдини олиш, давлатлар ўртасидаги “Иқтисодий зона” ва “Континентал шельф” чегараларини белгилаш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилишига ёрдам беради.

Бу эса ўз навбатида давлатлар ўртасида анча йиллардан бери баҳсларга сабаб бўлиб келаётган ҳудудий муаммоларни ҳал этилиши, юзага келиши мумкин бўлган қуролли тўқнашувларни олди олинишига сабаб бўлади. Минтақадаги ҳудудий муаммоларни ҳал этилиши, минтақа давлатларига ХХР инвестицияларини кириб келиши нуқтайи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. Казакбаев, Х. (2022). ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИДА БАҲСЛИ ҲУДУДЛАР МАСАЛАСИ. *Sharq ma'shali/Vostochniy fakel*, 14(1), 120-126.
2. Юлдашев, А. С. У. (2019). Региональное развитие КНР: на примере социальноэкономического развития Западного Китая. Региональные проблемы преобразования экономики, (4 (102)), 34-40.
3. Юлдашев, А. (2022). ОСНОВНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ И ПОТЕНЦИАЛ ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И КИТАЕМ. *Sharq ma'shali/Vostochniy fakel*, 14(1), 136-144.
4. Нигманов, А. У. (2020). ХИТОЙДА YOQILGI-ENERGETIKA MAJMUASI VA TARMOQ RIVOJLANISHING GEOGRAFIK XUSUSIYATLARI. ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО, 1(2).
5. Nigmanov, A. U. (2019). О ‘zbekistonda atom energetikasini rivolantirish muammolari va sohaning istiqbollari. Молодой ученый, (42), 323-325.